

Жаннат барча маҳрумликларга эваз бўла олади



11:00 / 25.01.2023 2129

Ибн Асокир роҳимаҳуллоҳнинг «Мухтасару тарихи Димашқ» асарида келади:

«Абдуллоҳ ибн Зиёд вафот қилганида унинг хотини Ҳинд:

«Унинг юзини кўриш учун қиёматга муштоқман!», деган эди.

Ибн Асокир роҳимаҳуллоҳ унинг гапини шарҳлаб: «Муҳаббат ва шавқ ҳақида айтилган гапларнинг энг балоғатлиси мана шу жумладир!», деган.

Мен айтаманки:

Дунёда чеккан заҳматларимиз учун энг яхши тасаллий жаннатдадир. Жаннатда ҳаёт бизни кўришдан маҳрум қилган юзлардан тўямиз. Дунёда тута олмаган қўлларимизни тутамиз. У ерда еру заминга сиғмаган муҳаббатимизла яшаймиз. Видолаша олмасдан ажралган муҳибларимиз ила ўша ерда қучоқлашамиз. У ерда кўрсак асабимиз бузиладиган юзларни

кўрмаймиз. У ерда золимларни кўрмаймиз. У ерда халқни қийнаганларни кўрмаймиз. У ерда қалбдаги олов совийди. Тўшакларни парчалаган беморликлар йўқолади у маконда иншааллоҳ!

Жаннат барча маҳрумликларга эваз бўла олади. Қандай буюк эваз жаннат!

Абдулқодир Полвонов